

## Зинонинг зарарлари



11:09 / 13.11.2024 3093

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай огоҳ этади:

سَيِّئًا وَسَاءَ فَحِشَةً كَانَ إِنَّهُ وَالزَّيْنِ نَقَرَبُوا وَلَا ۝۳۲

**«Зинога асло яқинлашманг. Шубҳасиз, у фаҳш ва энг ёмон йўлдир»**  
(Исро сураси, 32-оят).

Зинода учта – шаръий, ижтимоий ва ақлий қабоҳат жам бўлган. Шунинг учун ҳам унга яқин бориш, унинг сабабларини юзага келтириш қаттиқ ман қилиняпти.

Ҳақиқат шуки, жамиятнинг фасоди ва издан чиқишида зинонинг таъсири жуда катта. Бузуқлик яхши ахлоқ ва маданиятнинг асосига ниш уради. Иффат ва покизалик маҳкам турган вақтдагина жамият мустаҳкам бўлади.

Солиҳ жамиятнинг асоси солиҳ хонадондир. Солиҳ хонадон яхши фитрий ҳислар билан бирга, тоза қон, тоза насаб ва пок қариндошлик асосига қоим бўлади. Агар ундай бўлмаса, хонадон эмас, балки фитрий, маънавий ҳислардан буткул маҳрум ҳайвонларнинг галасига айланади. Қуръони

Карим зинонинг зарарлари катталиги туфайли унга кўп аҳамият берган ва шундай лафзлар ила ман қилганки, у лафзлар бузуқликнинг барча йўллари ва сабабларига тўсиқ бўлади.

Аллома Ибн Қаййим раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар: «Зино фасодлар ва жиноятларнинг энг бошида туради. У туфайли оммавий интизом барбод бўлади».

Зино сабабидан насаб, иффат ва покликни сақлаб бўлмайди. Ўзаро адоват ва фасод кучайиб боради. Айни шу сабабдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни катта гуноҳлардан деб санаганлар.

Имоми Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар: «Бировни сабабсиз ўлдиришдан кейинги энг катта гуноҳ зинодир».

Зино барча ёмонликларнинг ўчоғидир. У дин, яхшилик, ислоҳ ва тақво – барчасига зарар етказди. Зинокор одам диндор бўлолмайди, тақводор, содиқ, вафодор, рашкли ва омонатдор ҳам бўлолмайди. Зино билан бевафолик, даюслик, ёлғон, хиёнат ва беҳаёлик чамбарчас боғлиқдир. Инсон қалбига, диндорлигига зарар етказишда, Аллоҳдан ва яхшиликлардан узоқ қилишда ширкдан кейин зино туради. Куръонда зинокорлар «хобис» (нопок) деб ҳукм қилинган. Инсон қалбини барбод қилиш ва тавҳид асосларини қулатишда зинонинг таъсири катта экани очиқ-ойдин баён қилинган. Зино ва ярим яланғочлик одати инсонни иймон ва Аллоҳнинг раҳматидан узоқ қилиб қўяди.

Зино нақадар оғир гуноҳ эканини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳоба ва саҳобиялардан байъат олганларида, зинодан сақланиш аҳдини ҳам олганларидан билиш мумкин. Қуръони Каримда шундай дейилади:

بِاللَّهِ يُشْرِكْنَ لَأَنْ عَلَىٰ يُبَايِعَنَّكَ الْمُؤْمِنَاتُ جَاءَكَ إِذَا النَّبِيُّ يَأْتِيهَا

بِبُهْتَانٍ يَأْتِينَ وَلَا أَوْلَادَهُنَّ يَقْتُلْنَ وَلَا يَرْزُقْنَ وَلَا يَسْرِقْنَ وَلَا شَيْئًا

مَعْرُوفٍ فِي يَعْصِيكَ وَلَا وَأَرْجُلَهُنَّ أَيْدِيَهُنَّ بَيْنَ يَفْتَرِيَهُنَّ

رَحِيمٌ غُفُورٌ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ لَهَيَّ وَأَسْتَغْفِرُ فَبَايِعَهُنَّ ۱۲

«Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик, фарзандларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга маъруфда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатларини қабул қил. Ва Аллоҳдан улар учун мағфират сўра. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Мумтаҳана сураси, 12-оят).

Ҳазрати Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саҳобаларнинг бир жамоасидан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам байъат қабул қилдилар ва ширк келтирмаслик, ўғирлик қилмаслик, зино қилмаслик, фарзандларини қатл этмаслик, бўҳтон қилмаслик ва итоатсизлик қилмасликка очиқ-ойдин аҳд олдилар». («Мишкотул масобийҳ»).

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтадиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларга шундай дедилар: «Мен сизлардан ширк келтирмаслик, Аллоҳ мукаррам қилган бирор жонни ўлдирмаслик, зино қилмаслик, хамр ичмаслик шарти ила байъат қабул қиламан. Ким бу гуноҳлардан бирортасини қилмаса, мен унинг учун жаннат кафолатини бераман» («Саҳиҳи Муслим»).

Ҳазрати Умайма бинти Руқайқа розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сендан ширк келтирмаслик, фарзандларингни ўлдирмаслик, бирор бўҳтон тўқиб келтирмаслик, азада дийдиё қилмаслик, жоҳилиятдаги каби зийнатларингни намоён этмаслик шарти ила байъат қабул қиламан», дедилар («Муснади Аҳмад»).

Бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

مُكْرِي لَعُ فَاخَّ أَمَ فَوْخًا نِإِ  
أَنْرِلَا

«Мен сизларга энг кўп қўрқадиган нарса зинодир», дедилар. Чунки, зино лаънатга мубтало бўлишдир. («Ат тарғибу ват тарҳиб»).

**«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.